

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2025 йил октябрь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, ўз биносиди, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси А.Садировнинг раислигида, А.Пулатовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Шамшиддинов, судланувчи Ф.Саттаров ва унинг химоячиси “Ixlos” адвокатлик фирмаси адвокати А.Мирсолиев, фуқаровий даъвогар К.Охуновнинг иштирокида, Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга оид 1-1610-2501/250-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1963 йил 5 апрелда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, Наманган шаҳар “Обод” м.ф.й., Т.Малик кўчаси, 4-уйда яшаган, 2025 йил 13 август куни соат 15:00да ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, 2025 йил 14 август кунидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган **Саттаров Файзулла Гайбуллаевич** (Sattarov Fayzulla Gaybullaevich).

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар вакиллари ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.Саттаров ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йилнинг сентябрь ойида Чортоқ тумани, “Кесканёр” МФЙ, Шодлик кўчасида яшовчи К.Охуновни алдаб, уни ишончига кириб, унинг фарзанди А.Холмирзаев, куёви Б.Сотволдиев ва А.Охуновларни Корея Республикасига ишлашлари учун юборишлигини айтиб, К.Охуновдан жами 12.600 АҚШ доллари (12.060,48*12600=151.962,048 сўм) миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу фуқароларни Корея Республикасига ишлаш учун жўнатмасдан ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Марказий банкнинг маълумотномасида 06.10.2025 йилда 1 АҚШ доллари 12.060,48 тийинга тенглиги кўрсатилган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи Ш.Холматов ҳақиқатдан ҳам 2023 йилнинг сентябрь ойида унга пул зарур бўлиб қолганлиги сабабли К.Охуновни алдаб, унга укаси А.Охуновни, куёви Б.Сотиволдиевни ва фарзанди А.Холмирзаевларни Жанубий Корея давлатига ишлашга юборишни ваъда



қилиб, ундан 12.600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, пулларни ўзининг манфаатлари йўлида сарфлаб юборганлигини, уларни Корея давлатига ишга жўнатмаганлигини, пул олиш учун шундай деб уларни алдаганлигини, зарарни судда тўлиқ қоплаганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини маълум қилиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўради.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи К.Охунов кўргазмасида ҳақиқатдан ҳам 2023 йилнинг сентябрь ойида судланувчи Ф.Саттаров ундан фарзанди А.Холмирзаевни, куёви Б.Сотволдиев ва укаси А.Охуновларни Жанубий Корея давлатига ишлашга юборишни ваъда қилиб, ундан жами 12.600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, ишга жўнатмасдан, шу кунга қадар қайтармасдан юрганини, шу бугунга келиб, яъни суд муҳокамаси даврида судланувчи Ф.Саттаров уларга етказилган зарарни тўлиқ ҳолда қоплаганлигини, унга нисбатан эътирози ва даъвоси йўқлигини, қонун доирасида унга нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ А.Холмирзаев ҳақиқатдан ҳам судланувчи Ф.Саттаров уни, амакиси Ахмаджонни поччаси Бахтиёрларни Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, дадаси К.Охуновни алдаб, дадаси К.Охуновдан 2023 йилнинг сентябрь ойида жами 12.600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ишга ҳам жўнатмаганлигини, пулларни ҳам қайтариб бермаганлигини, ҳозирда суд муҳокамасида зарарни тўлиқ қоплаганлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Ф.Саттаровнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш баённомалари, ашёвий далил ҳамда жиноят иши бўйича барча тўпланган, текширилган, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланган далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-бўлимида кўп миқдор – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор бўлиши кўрсатилган (2025 йил 1 августдан базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўмни ташкил қилади ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари 123.600.000 сўмни ташкил қилади).

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган далилларга кўра, судланувчи Ф.Саттаров томонидан фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилган 151.962.048 сўм кўп миқдорни ташкил қилади.

Суд, судланувчи Ф.Саттаровнинг содир этган қилмишининг квалификациясини муҳокама қилиб, у алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўп миқдорда қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги; ЖКнинг 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

ЖКнинг 57-моддасида “Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.”-деб белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида: ЖК [57-моддасига](#) мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси [Махсус қисми](#) моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий



зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.). 39-бандида: Судларга тушунтирилсинки: қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида фақат Жиноят кодексининг тегишли моддаси (қисми, банди) бўйича ЖК [57-моддаси](#) қўлланилиб тайинланган узил-кесил жазо чораси кўрсатилиши лозим бўлиб, енгилроқ жазо қўллаш сабаблари ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши керак; шахс жиноят қонунининг турли моддаларида (моддаси қисмларида) кўзда тутилган бир неча жиноят содир этганлик учун судланаётган бўлса, ЖК [57-моддаси](#) жиноятлар жами бўйича тайинланган жазодан кейин эмас, балки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаш пайтида қўлланилади; қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ асосий жазонинг тайинланиши айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилинаётган қонун санкциясида назарда тутилган кўшимча жазоларни тайинлаш имкониятини истисно қилмайди.”-деб кўрсатилган тушунтиришларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, қарорнинг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган, суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларидан ва қонун талабларидан келиб чиқиб; Судланувчи Ф.Саттаровга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55, 56-моддаларига риоя қилиб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, нафақада эканлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Судланувчи Ф.Саттаровнинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, нафақадалигини ҳамда етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни, жарима жазосини жиноят содир этилган вақтдаги, яъни 2023 йил сентябрда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги “иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги 45-сон



Фармони билан базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўм этиб белгиланганидан келиб чиқиб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни ҳамда ЖКнинг 44-моддаси талабларини тушунтиришни лозим топади.

Судланувчи Саттаров Файзулло Гайбуллаевич томонидан фуқаровий даъвогар А.Охуновга етказилган зарар қопланганлиги инобатга олишни, иш бўйича ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган Ф.Саттаров томонидан ёзилган тиилхат ҳамда жиноят ишида мавжуд аудиоёзувлар жиноят иши материаллари билан бирга сақланишини, жабрланувчи К.Охуновга мазкур иш бўйича бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи юзасидан судланувчи Ф.Саттаровнинг яшаш манзили бўйича фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497³, 499-500-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Саттаров Файзулло Гайбуллаевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида, яъни 16.500.000 (ўн олти ярим миллион) сўм тайинлансин.

Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, тайинланган жазодан ушлаб турилган ва қамокда бўлган 54 кунини, ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг ½ қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 23 баравари, яъни 7.590.000 (етти миллион беш юз тўқсон минг) сўм қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан қамокдан озод қилинсин, унга нисбатан муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Саттаров Файзулло Гайбуллаевичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддаси талаблари тушунтирилсин.

Судланувчи Саттаров Файзулло Гайбуллаевич томонидан фуқаровий даъвогар А.Охуновга етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган Ф.Саттаров томонидан ёзилган тиилхат ҳамда жиноят ишида мавжуд аудиоёзувлар жиноят иши материаллари билан бирга сақлансин.



Жабрланувчи К.Охуновга мазкур иш бўйича бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи юзасидан судланувчи Ф.Саттаровнинг яшаш манзили бўйича фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нухасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

А.Садиров

